

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 15 ноябрь

ПАЙШАНБА

№ 260 (5.053)

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин

Мавсум сарҳисоби

КАДДИНГИ ТИКЛА, БОБОДЕХКОНИМ

Далаларимизда кузги-қиш-ки ишлар авж олмақда. Пайкалларни ўзлаштиради тозалаш, ерни ҳайдаш юмшалади аллақачон бошлаб юборилган. Бинобарин, бу йилги мавсумнинг дастлабки ҳисобларини ҳам чиқариш мумкин.

Ҳўжалигимизнинг район миқёсида ўз ўрни ва салмоғи бор. Пахта 2.000 гектардан зиёд майдонни эгаллайди. Бу соҳада эришилган натижа район кўрсаткичларига сезиларли таъсир этгани табиий ҳол. Бироқ тан олиш керак, сурункасига етти йил мобайнида жамоада пахта тайёрлаш юзасидан белгиланган режа уқдаланмади. Оқибатда кўрсаткич нисбатан, қарз кўпайди.

Кейинги бир йилда нафақат бизнинг ҳўжалигимизда, балки районда барча соҳаларда кескин бурилиш бўлиб беришнинг қониқиб билан айтаётган бўлмоқчи. Ҳўжаликлар, қишлоқ аҳолиси иқтисодий аҳолини яхшилаш мақсадида янги имкониятлар қидиришмоқда. Инсон, меҳнат қилиши тўғрисида ҳамхўрлик биринчи ўринга чиқмоқда. Буларнинг ҳаммаси одамларга кўтаринки руҳ, куч-ғайрат бағишламоқда.

Самара эса кутилганидан зиёд. Жорий йилда райондаги аскарлар ҳўжаликлари пахта тайёрлаш режаларини ошириб уқдалашди. Биз ҳам пешқадамлар сафида маррага етдик. Қабул пунктга 5.890 тонна ўрнига 6.500 тонна қимматбаҳо саноат хом ашёсига етказиб берилди. Ҳўжаликдорлик 30 центердан ошди.

Омон Умрзоқов, Абдураҳмон Омонов, Неймат Назаров, Фарҳод Насриддинов, Зиядулла Қурашов, Мажид Бозоров, Меҳриддин Ҳамроев бошқиб бариқадарла эса ана шу кўрсаткич 35—45 центерга ташкил этди. Пахтачиликдан

5,5 миллион сўмдан кўпроқ даромад олиш мўлжалланмоқда. Бу бултургига нисбатан 2 миллион сўм кўпдир.

Ҳар қандай ютуқ замирида қатор омиллар ётади. Улардан энг муҳими — жамоада соғлом маънавий иқлим яратиш, одамларни ягона мақсад сари йўналтиришдан иборат. Назаримда, биз шунга эришдик. Иккинчидан, пайкалларимиз асосан Зарафшон дарёси соҳилларида жойлашган. Шу боис ерости суви юза, иқлим салқин. Демак, бизга мумкин қадар эртапишар навлар керак. Бу йил биринчи марта жами майдонга С-90-70 нави экилди. У шароитимизга жуда мос тушди. Умумишларига нисбатан бирмунча эртапишиб етилди. Мул ҳосил тўпланди. Учтинчидан, чигит экиш ва ўза парвартиш билан боғлиқ ҳар бир агротехник тадбирни амалга оширишда адашмасликка ҳаракат қилдик. Ерга уруғ қалаш 25—30 апрелда, атиги беш иш кунда ниҳоясига етказилди. Тўлиқ гектарлар яратилди. Янага алоҳида эътибор берилди. Ниҳолларни озиқлантириш ва суғориш маромида ўтказилди. Ўзгани баргсизлантиришда эса «Дроп» дозисидан фойдаланилди. Қолаверса, ҳўжалигимиз уруғчиликка ихтисослашган. Бу ўзига хослик йилги-теримда албатта ҳисобга олиниши шарт. Янги ҳосил асосан қўлда терилиши керак. Жумхуриятимиз ҳўкуматининг қарорига биноан терилган пахтага оширилган нархда ҳан тўланган катта аҳамият касб этди. Далаларда қарийб 2 минг нафар киши этан боғлаб оқ олтин терди. Уларнинг куч-ғайратлари туфайли 2.400 тонна ўрнига 3.000 тонна сифатли уруғлик хом ашё тайёрланди.

Машиналардан унумли фой-

даландик. Айниқса, Маманазар Ражабов, Абдуманнон Абдувалиев, Неймат Ҳошимов каби механизаторларимиз ўзларини қўрсатишди. Уларнинг ҳар бири бункердан 150—215 тонна пахта бўшати.

Кези келганда маҳсулотни топшириш ва сотиш борасида бирмунча хайрли ўзгаришлар қилинганлиги таъкидлашнинг истадим. Жорий йилда жамоамиз ҳудудда жойлашган, лекин пахта тозалаш заводи қарашли бўлган қабул пунктини ўз ихтиёрига олдик. Оқибатда ҳосилни етиштириш уни жағариш бир қўлда жамланган. Бу ҳол маҳкамачилик касалига барҳам берди. Янги ҳосилнинг асосий қисmini қўри қўриларга сотганимиз ҳам ана шу тадбирнинг натижасидир.

Хорижий мамлакатлар билан савдо-сотиқ соҳасида дастлабки қадамлар қўйилган. Бозор иқтисодиёти эшик тақиллаётган ҳозирги шароитда бусиз деҳқоннинг қаддини тиклаш мумкин эмас. Биз бутунга қадар фақат хом ашё етиштириш билан шугулландик. Унга исоф билан ҳақ тўланаётгани, пировард маҳсулот қаёққа кетаяпти — булар ҳақида ўйлаб кўрмадик. Қайта қуриш шарофати туфайли бундай ҳаётий муҳим масалаларга янгича қўз билан қараш имконияти туғилди.

Ҳўзир далаларимизда иш мароми сусайгани кўк. Ҳайдо тракторлари тўла қувват билан ишлатилапти. Шудгорлаш олдидан пайкалларга тегишли миқдорда маҳаллий ва минерал ўғит солинимоқда. Биз бу юмушни 20 ноябрга тағулалашни режалаштирганимиз.

Ҳазилдин ПИРНАЗАРОВ, Иштихон районидagi «Нуробод» жамоа ҳўжалиги бошқаруви раиси.



Иштихон районидagi Беруний номи давлат ҳўжалигининг Темур Элмуродов бошқиб 7-агроучасткани пахтакорлари жорий йилда давлатга 300 гектар майдондан 500 тонна ўрнига 900 тонна оқорин навоқ олтин сотдилар. Ҳўжаликдорлик гектар ҳисобига 30 центерни ташкил этди.

Айни кунларда жамоа далаларида 6 та Ҳайлов трактори қўри унум билан ишлатилмоқда. Уларнинг ёрдамида кун

инга 40—42 гектар ер сифатли ҳайдалапти. Бунда айниқса Алишер Маҳмадиев, Бахтиёр Инатов каби механизаторлар бошқаларга ибрат бўлишайтир.

СУРАТЛАРДА: 1. Агроучастка бошқиб Темур Элмуродов (ўнгда) ва тракторчи Ашур Жуманазаров. 2. Шудгорлаш пайти.

Ш СУЛТОНОВ олган суратлар.



СЕССИЯ ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

ОЛМА-ОТА, 13 ноябрь. (ҚозТАГ—ТАСС). Қозғистон ССЖ Олий Кенгашининг сессияси унча кўп давом этмаган танавфусдан сўнг бугун яна ўз ишини бошлади.

Жумхурият парламенти бундан илгари тасдиқланган кун тартибидagi 50 дан ор-

тиқроқ масаланинг 12 тасини муҳокама қилган эди. «Уйлар, квартиралар, боғ-ҳовлилар ва бошқа биноларнинг ўзбошимчилик билан эгалаб олиш, шунингдек ерларнинг ўзбошимчилик билан эгалаб олиш ва ўзбошимчилик билан қурилиш қилиш учун жавобгарлиқни

қучатириш тўғрисида»ги Қозғистон ССЖ қонун лойиҳаси аввалги рўйхатга қўшимча равишда сессия муҳокамасига киритилди. Кейинги вақтларда жумхуриятда бундай ғайриқонуний ҳаракатлар бўлганлиги сабабли шундай қилинди.

Сессия ишда жумхурият Президенти Н. А. Назарбоев қатнашмоқда.

М. С. ГОРБАЧЕВ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ ДЕПУТАТЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

ССЖИ Президенти М. С. Горбачевнинг ҳарбий хизматчи депутатлари билан 13 ноябрь кунини бўлиб ўтган учрашувида армия турмушининг энг муҳим муаммолари муҳокама қилинди. Давлат бошчилигининг Ватан ҳимоячилари билан бир неча соат давом этган маълумдор мулоқотида муҳалқ депутатларнинг 1100 киши қатнашди. Барча иттифоқдош жумхуриятлардан Москвага келган бу депутатлар қишлоқ ва кўрғон Советларидан тортиб то ССЖИ Олий Кенгашига қўйилган давлат ҳокимияти барча органларнинг вакиллари эди. Учрашувда қатнашган ҳалқ депутатларининг кўпчилиги бевосита Қўрол Кучларда ишлайди.

ССЖИ Президентлик Кенгашининг аъзоси, мамлакат муҳофаа вазири, Совет Иттифоқи маршали Д. Т. Язовнинг ва ҳарбий хизматчи депутатларнинг нутқларида кўпгина масалалар кўтарилди. Совет кишилари социалистик Ватанни ҳимоя қилиш соҳасидаги ўз конституциявий вазифаларини бажаришларидан тортиб, оқилона етарли даражадаги ҳарбий-сиёсий доктрина муносабати билан мамлакат муҳофаа қилинишни зарур даражада сақлашга, Совет Қўролини Кучларнинг оғуру-этиборини муқтаҳкамлаш ва ҳарбий хизматининг нуфузини ошириш вазифаларидан тортиб, ҳарбий хизматчилар ва улар оилаварининг шон-шарфи ҳамда қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлигини сақлашга бўлган вазифалар шу жумлага кирди.

Деярли ҳар бир нутқда мамлакатдаги ҳозирги иқтисодий-сиёсий вазият ҳусусида гапирилди. Шу муносабат билан Молдова, Латвия, Эстония, Грузия, Арманистондан келган турли даражалардаги Советлар депутатлари бўлган нотиқларнинг нутқлари айниқса ўткирлиги билан ажралди турди. Жумладан, Молдовадаги ҳозирги вазиятни жумхурият ҳудудига ССЖИ Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинларини дарҳол киришти ва иттифок шартномасини тезроқ тузиш бўли билангина бажарилаётганлиги мумкин, деган фикр айтилди.

Кўп кишилар мамлакатнинг олий раҳбарияти «қўш ҳокимиятичилик»ка барҳам бериш, иттифок қонунларига жойларда риоя этилишини таъминлаш, деган фикрни изҳор этдилар.

Нотиқлардан бири Болтиқ-М. С. Горбачев баъзи жумхуриятларда ўз армияларига эга бўлиш зарурлиги ҳақида айтилаётган даъволарга тўтталди, бу даъволарда ҳақиқий аҳолини тан оlishдан кўра сиёсий найранг кўпроқ эканини айтди.

бўйда кузги қақириннинг аҳоли ҳақида гапириб, муҳофаа тўғрисидаги қонун тасдиқланганга қадар ССЖИ-да муқобил меҳнат хизмати тўғрисида муваққат низоми дараҳол қабул этишга; миллий мактаблардаги таълим бир йил ўзайтирилганини эътиборга олиб, ҳарбий хизматга чакириниш 19 ёшдан бошлаш имкониятини кўриб чиқишга; армияга чакириниш ва ундан бўшатишни йилга бир марта ўтказишга, ҳарбий хизматчиларнинг оилаварига нафақани кўпайтиришга чакирини.

ССЖИ Қўрол Кучларини ислоҳ қилиш муаммолари ҳусусида бир талай тақдирлар айтилди. Жумладан, бу ишни жадаллаштириш, уни Қўрол Кучларини қисқартириш билан айна бир вақтда ўтказиш зарурлиги ҳақида гапирилди. Бу ишда тақрибани ҳарбийларга эмас, бутун жамяят ҳам иштирок этиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилди.

Сўзга чиққан кишиларнинг ҳаммаси ҳарбий хизматчиларнинг иқтисодий-маиший мақоми масалаларига бирон-бир тарзда тўхталмоқчи эди. Кўпгина ҳарбий депутатларнинг фикрича, бозор муносабатларига ўтилиш ҳарбий хизматчилар ва улар оилаварининг турмуш даражасини баттар пайсириб юбориши мумкин.

Бир қанча нутқларда оммавий ахборот воситалари томонидан армия турмушини ва армиянинг жамиятдаги тўтган ўрни ноҳолисона ва қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлигини сақлашга бўлган вазифалар шу жумлага кирди.

Деярли ҳар бир нутқда мамлакатдаги ҳозирги иқтисодий-сиёсий вазият ҳусусида гапирилди. Шу муносабат билан Молдова, Латвия, Эстония, Грузия, Арманистондан келган турли даражалардаги Советлар депутатлари бўлган нотиқларнинг нутқлари айниқса ўткирлиги билан ажралди турди. Жумладан, Молдовадаги ҳозирги вазиятни жумхурият ҳудудига ССЖИ Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинларини дарҳол киришти ва иттифок шартномасини тезроқ тузиш бўли билангина бажарилаётганлиги мумкин, деган фикр айтилди.

Кўп кишилар мамлакатнинг олий раҳбарияти «қўш ҳокимиятичилик»ка барҳам бериш, иттифок қонунларига жойларда риоя этилишини таъминлаш, деган фикрни изҳор этдилар.

Нотиқлардан бири Болтиқ-М. С. Горбачев баъзи жумхуриятларда ўз армияларига эга бўлиш зарурлиги ҳақида айтилаётган даъволарга тўтталди, бу даъволарда ҳақиқий аҳолини тан оlishдан кўра сиёсий найранг кўпроқ эканини айтди.

(Давоми иккинчи бетда).

«Қишлоқ ҳақиқати»га обуна қандай бораёпти?

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Мен рўномаларимизни кундалик турмушимизнинг қон томирларига ўхшатиш келди. Айниқса ҳозирги ошкоралик даврида ҳаётий вақтнинг матбуот нашламаси тасаввур этиш қийин. Марказий рўномалардан тортиб район газеталарига ҳақоқилини батафсил еритишга ҳаракат қилишяпти.

Мавсумни, кейинги йилларда жумхуриятимиз раҳбарияти меҳнаткаш инсон, айниқса қишлоқ аҳли турмушини яхшилаш йўлида қатор амалий тадбирларни амалга оширяпти. Ерининг ҳақиқий эгаси бўлиш ҳўқуқига эришаётган деҳқонга муносабат тўбдан ўзгара бошлади. Натижада асосий эканимиз — пахтачилик бўйича белгиланган режалар икки йилдан буён ортинча шов-шувларсиз, беҳуда ҳаражатларсиз, энг муҳими — қисқа муддатларда адо этиляпти.

Қатрада қуёш ақ этганидек, жамоа ҳўжалигимизда эришилган ютуқлар бунинг аққол даллаларидир.

Масалан, жорий йилда пахтадан белгиланган 5 минг 110 тонна ўрнига 5 минг 850 тонналик хирмон уйдик. Шоли, сут, гўшт, тукум етиштириш режалари ҳам эъёисдан билан уқдаланди. Утган йилга нисбатан 1 миллион сўм кўп даромад олишни мўлжаллаб туримиз.

Ҳосил мул бўлса, деҳқон қайғини ҳам қў бўлади. Мадавий ҳордиқ чиқаргиси, газета, журналлар варақлигиси келди. Шундай келарли севибли «Қишлоқ ҳақиқати»да деҳқон қалбига кириб борувчи мақолалар, турли мавзудаги қизилқария хабарлари ўқийман. Рўномада ҳар ҳафта бериб борилаётган аниқ-аниқ. «Бир пилла чўк баҳона», дам олиш, «Гулкайчи» сатирик саҳифаларидан қўнглимиз тўлапти. Бевосита, қишлоқ ҳўжалигига оид илмий мақолалар, тавсиялар, илгор тажриба бериб борилаётгани ҳам айни мудоао. Лекин, очигини

айтганда, дала меҳнаткашлари — оддий пахтакор, сувчи, механизатор ҳақида лавҳалар, очерклар кейинги пайтлар камайиб кетди. Истардики, ризқ-рўз яратувчиларимиз тўғрисида, кўпроқ материаллар берилса.

Жамоа ҳўжалигимиз бошқаруви севибли рўномамизни қўллаб-қувватлаш учун қўлдан келганча ҳаракат қилапти. 1991 йил учун ҳўжалик ҳисобидан 50 нафар партия, уруш ва меҳнат ветеранига «Қишлоқ ҳақиқати»га обуна этилганлик ҳақидаги варақани топширдик. Йўлдош Жуманов, Кўчқор Сафарбоев, Искандар Нуриддинов каби Улуг Ватан уруши фахрийлари, Эрмат Гулномов, Машарип Ҳолматов каби байналмилалчи-жангчилар рўномани йил давомида бепул ўқиш имкониятига эга бўдилар.

Биз сўз билан айтганда, газетамизга бўлган садоқатимиз доимий. Фақат истакларимиз, тақдир ва мулоҳазаларимиз таҳририят эътиборидан четда қолмасасин. «Қарс икки қўлдан» дейишди. Сизнинг ҳам, бизнинг ҳам юзими эруғ бўлсин.

Омон ВАФОВЕВ, Гурлан районидagi «Коммуна» жамоа ҳўжалиги бошқаруви раиси.

Махсус мухбиримиз Р. ЗАРИ-ПОВАНИНг телефон орқали хабар қилишча, райондаги «Гулистон» давлат ҳўжалиги маъмурияти ҳам 20 нафар меҳнат фахрийсини соҳа ҳисобидан обуна этирибди. Кейинги бир ҳафтада 70 киши «Қишлоқ ҳақиқати»га эъёилибди. Шунингдек вилоят кутубхоначилик бошқармасининг 200 нафар ҳодими ҳам рўномамизга обуна бўлишди.

Хоразм вилоятида «Қишлоқ ҳақиқати» муштарилари сони кун сайин ортиб бораёпти.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумхурияти Президентининг фармони

БАРЧА ТУРДАГИ МАКТАБЛАРНИНГ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА, БОЛАЛАР УЙЛАРИНИНГ ТАРБИЯЧИЛАРИГА ҚЎШИМЧА ИМТИЕЗЛАР БЕРИШ, ЮҚОРИ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мақтаб ўқитувчилари ва болалар уйлари тарбиячиларининг иқтисодий-маиший ва моддий шароитини яхшилаш, улар меҳнати рағбатлантиришнинг қучатириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилсин:

1. 1991 йилининг 1 январидан юқори (V—XI) синфлар ўқитувчиларининг иш ҳақи дар соатларининг ҳафтасига 18 соатдан 16 соатга камайтириш ҳисобига ойига ўрта ҳисобда 15 фойзагача оширилсин.

2. «Халқ ўқитувчиси», «Хизмат кўрсатган халқ таълими ҳодими» фахрий унвонлари учун педагогик маошларига ва мансаб оқладларига ҳар ойда тўланадиган қўшимча ҳақ икки баравар кўпайтирилсин ҳамда тегишли равишда ойига 100 ва 60 сўм қилиб белгилансин.

3. Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгаши, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари икжроя қўмиталари, вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар:

мақтаб ўқитувчилари ва болалар уйлари

тарбиячиларига улар яшаб турган давлат ҳамда идораларга қарашли уйлар ва квартираларнинг шахсий мулк сифатида бепул берилсин; қишлоқ жойларда ва шаҳар типидagi қўрғонларда истиқомат қилаётган мақтаб ўқитувчилари ва болалар уйлари тарбиячилари квартиралар ҳамда коммунал хизмат (сув таъминоти, газ, электр ва иссиқлик энергияси) ҳақини тўлашдан озод қилинсин. Шаҳарларда яшовчи мақтаб ўқитувчилари ва болалар уйлари тарбиячиларига квартиралар ҳамда коммунал хизмат ҳақининг 50 фойизи миқдорда имтиёзлар берилсин. Марказий ишти системасига эга бўлмаган уйларда яшовчиларга белгиланган нормалар доирасида солиб олинмаган ёқилги ҳақи берилсин;

мақтаб ўқитувчилари ва болалар уйлари тарбиячилари учун биринчи навбатда ер участкалари ажратиш ва яқна тартибда уй қуриш учун бинокорлик материаллари сотиб олиш белгилансин.

Ушбу баянда кўзда тутилган имтиёзлар на-

мида 10 йил педагогикни стажига эга мақтаб ўқитувчилари ва болалар уйлари тарбиячилари бўлган пенсионерларга жорий этилсин. 4. ЎзССЖ Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгаши, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари икжроя қўмиталари ушбу фармонни рўбга чиқариш билан боғлиқ ҳаражатларни жумхурият ва маҳаллий бюджетлар маблағи ҳисобига амалга оширилсин.

5. Ўқитувчилар ва болалар уйлари тарбиячиларининг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш, ёш авлодининг уйғун қамол топиши учун зарур шарт-шароит яратиш вазирликлари, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, колхозлар ва совхозлар раҳбарларининг асосий бурчи деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумхуриятининг Президенти

Н. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 13 ноябрь.

боғлиқ ҳаражатларнинг бир йиллик умумий миқдори қарийб 130 миллион сўмни ташкил этди.

Фармоннинг ўз вақтида ва тўла амалга оширилиши кўп жихатдан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари икжроя қўмиталари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, колхозлар совхозларнинг раҳбарларига боғлиқдир.

Ўқитувчилар ҳақида ғамхўрлик қилиш уларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолтиши керак. Президентининг фармони — жумхурият ўқитувчиларининг иқтисодий ҳимояланшини таъминлаш, ана шу олижаноб касб оғуру-этиборини ошириш йўлидаги янги аниқ қадамдир.

ИЛМИЙ АНЖУМАН

«Ўрта Осиё ва Қозғистон экология муаммолари» нутқан назаридан деҳқончиликдаги фаникавий омиллар» мавзуда уч кун давом этган Вутунитиғиқ илмий анжумани 14 ноябрь кунини Тошкентда ўз ишнини тамомлади. Унда иттифокимизнинг турли минтақаларидан келган атоқли олимлар ўзларининг маъруза ва сўхбатлари билан иштирок этдилар.

Атроф муҳитнинг турли

ҳолатларида қишлоқ ҳўжалик эканлигининг ривожланиш шароитлари, айниқса уруғларнинг электромагнит майдонини таъсирдада ўстиришнинг икжойи самараси, ерларни тобиға қараб суғориш ва сув ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланишнинг илмий асослари ишлаб чиқилди.

Анжуман қатнашчилари экология вазиятини яхшилашга оид тавсияларни иш-

лаб чиндилар. Ўрта Осиё жумхуриятлари ва Қозғистон Олий Кенгашларига мурожаатнома қабул қилинди. Унда атроф муҳитнинг покиза сақлашга, химиявий доринорлардан фойдаланишнинг кескин камайтирил- лари, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биология усуллари- га асосий эътиборни қаратишга даъват этилди.

(ЎЗТАГ).

лиги.

МАСМИ?»

аномасининг 24 август сони
авхда мақола Калинин район
и билан ва ижроия комитетини
ма қилинди. Йиғилишда бар
котиблари ҳамда депутатлар и

назар улар онлалик бўл
ганларидан сунг ер учас
си билан таъминланаяди.
Буни қишлоқ Совети ўз
масига олди.

Ер масаласи билан шу
ланувчи комиссия ишини
лаб даражасида ташкил
маганлиги учун Фрунзе қ
лоқ Совети ижроия комит
раиси Н. Низомов қат
огоҳлантирилди.

Р. ТУРСУНОВ

халқ депутатлари Тошк
вилояти Совети раисини
ўқинбосари

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА

Саёҳат учун ажратилган вақт кўпича таътилга тўғри келади. Жумҳуриятимизда ёки бошқа ўлкаларда бўлган киши хорижий мамлакатларни ҳам ҳавас қилиб қолади. Жаҳонга шундай ҳеч бир замонда қораланган эмас, аксинча «Юрган дарё, ўтирган бўйра» дейдилар.

Жумҳурият ёки сайёҳлар маҳкамаси худди шу нақлга амал қилиб ишлаётган алоҳида бир даргоҳ. Ўтган ўқув йилида у қандай ишларни амалга ошира олди? Муаммолари борми? Яқин орада бажаришга мўлжалланган вазифалари? Жамоатчи муҳбиримиз методика кабинети мудири, СССР маорифи аълочиси Машкура ТУРОПОВА билан шунлар ҳусусида суҳбатлашди.

— Машкура Туропова, маълумки, сайёҳлик алоҳида касб эмас. Лекин у қизиқарли, саргузаштларга бой соҳа. Таъбир жоиз бўлса, мактабдан ташқари муассасалар ичиде кўпчиликни ўзига жалб этадиган жой. Айтинг-чи, Ўзбекистоннинг миқёсида ёки сайёҳлар билан ишлаш сизни қониқтирдими?

— Ўқувчининг бўш вақти таътилга тўғри келади. Ундан унмун фойдаланиш керак. Сайру саёҳатга чиқиб, иттифоқимиздаги шаҳар ва қишлоқларни томоша қилиш бахти ҳар йили юзлаб ўқувчиларга насиб этади. Ленин очилиши айтганда, бизда ёш сайёҳларнинг қизиқиши ва интилоқлари ҳам у даражада ҳисобга олинмади. Гарча ҳар йили бир миллионга яқин бола турли жойларга саёҳатга борса ҳам, ҳали бизда бошқа жумҳуриятлардаги каби мактабдан жихатлар йўқ.

Вилоят ва районлардаги ёш сайёҳлар даргоҳлари кўрсини, асли биналарда жойлашган. Сайёҳлик базаларининг жиҳозланиши, бозоридаги ҳам талаба жаваб берилади. Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Наманган вилоят халқ таълими бошқармаларида саёҳатчиликни ривожлантиришга эътибор билан қараб, бирмунча ишларни амалга оширишляпти.

— Ўтган 1989-90 ўқув йилининг якуни қандай бўлди? Ҳар ҳолда маълум ишлар қилингандир?

— Маҳкамасида қошида тоғ сайёҳлиги, ёш пиёдалар, ёш сайёҳ, ёш археолог, адабий-тарихий ўлашунослик, сураатқилиш, горшуннослик, велосипед билан саёҳатга чиқиш каби 20 та тўғрарак фаолият кўрсатилган. Уларга 700 га яқин ўқувчи уюшган бўлиб, саёҳат бу ўқувчиларнинг жониди.

Ўтган йили Ўзбекистон ишчи-болалари Тошкент, Москва, Ганцевич, Брест шаҳарлари йўналишида, шунингдек, Тошкент — Москва — Львов — Дрогобич — Сколье — Москва — Тошкент бўйлаб сайру томошага чиқиди. Сафар мақсулоти сифатида «Хотира кутуби» юзага келди. Улуг Ватан уруши йилларида бедарак йўқолган

миз қошида методика бўлими ташкил этилди. Турли методик материаллар билан таъминлаш яхшиланди. Айниқса ўзбек тилидаги таълимнинг кўпроқ ишлаб чиқишга ҳаракат қилинмиш. Шу йилининг биринчи ярмида олти номдаги ўзбекча методик тавсияномалар тайёрланди ва вилоятларга юборилди. Ўзимизнинг ташаббусимиз билан Москва, Ленинградда Ўзбекистонлик болалар учун мавсумий-туристик базалар очилган муваффақ бўлди.

Хар йили 150 га яқин ўқувчи соғлигини тиклаб қайтаётгани қувончлидир. Айни пайтда ўз туристик базамиз ҳам бошқа жумҳуриятлардан келган ёш сайёҳларни кучоқ очиб қутиб олмади.

Биз «Хамма яхши нарсалар — болаларга» ширини ўйлаб топганимиз. Бироқ, амалда бу ширининг аксини кўравериб, кўзимиз кўникиб кетган. Сайёҳликка кенг йўл очмас эканмиз, ёшларимизда ўз дёғрига меҳр-муҳаббатни шакллантира олмаймиз. Уларнинг билим даражаси ҳам сабабгича юзлаверди. Локал пойтахтда жойлашган сайёҳлар манзилгоҳига муносиб буюм қўрилмагани ҳам бизни рағбатлантирди. Шаҳар Кенгаши ижроия кўмитасидаги ўртоқлар типовой бино қуриб беришни ачадан бери пайсалга солиларди. Бошқа вилоят, районларни-ку, қўяверайлик...

— Ўртага Тошкентда жумҳурият ўқувчиларининг конференцияси очилди. Сайёҳлик бобига қандай масалалар кўтарилганини айтасиз?

— Юқорида айтганимдек, туризмни кескин ривожлантиришимиз керак. Унга болалар қизиқади. У мактаб дастури каби болани қийнамайди, балки яратадир, ором беради, дунёқарабини ўстиради. Шундай бўлганда, кенг қўл тартибига мактабдан ташқари муассасалар ишларини қарамлик сиртмоғидан олиб чиқишни, уларга кўпроқ мустақиллик беришни тақдир қиламан. Мен ҳар йили мактабнинг маълум ўқувчилари, локал Ўзбекистон бўйлаб ёки иттифоқимиздаги катта-кичик шаҳарларга саёҳатга боришлари тарафдориман. Саёҳат ўйини-кулини учун эмас, балки ҳаётини билиш, одамларнинг турмуш тарзи билан танишиш, умуман эзгулик учун хизмат қилади...

Суҳбатдош: Х. ТУРМАНОВА.



Кейинги вақтларда жумҳуриятимизда юз бераётган ўзгаришлар барча соҳа меҳнатчилари каби мактаб ўқитувчиларини ҳам қувонтирмоқда. Муаллимларнинг бугунги анжумани арафасида Ўзбекистон ССЖ Президенти ўқитувчилар мода-ий шарафтини яхшилашга қаратилган фармонини, устозларга бир қатор фажрий унвонларнинг берилиши партия ва ҳукуматимизнинг ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор билан қараётганлигидан далолат.

Тошкент вилоятининг Чиноз районидидаги 26-мактабда ўқув-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Бу ерда байналмилал дўстлик клуби ишлаб турибди. Машгулотларда жаҳон халқларининг кийим-кечаклари, турмуш тарзларининг ўрта-тишга алоҳида аҳамият берилади.

СУРАТДА: клуб раҳбари Назолат Қосимова ўқувчиларга турли халқлар урф-одатлари ҳақида сўзлаб бermoқда.

Р. АЛБЕКОВ олган сурат.

Китоб жавонирингизга

Ч О Р Л О В

Журналист Маҳмуд Мардиевнинг ижтимоий, экологик, одов ва ахлоқ мавзуларида ёзган ўнлаб мақола, очерк ва лавҳаларида жамиятимизнинг энг оғриқли, энг кескин муаммолари тегиз қилиб қилинди, уларга фаол муносабат билидирлиб, жамоатчилик фикри жалб этилди. Яқинда унинг «Олмоқнинг бермоғи» китобини «Ўзбекистон» нашриёти chop эди.

Муаллиф китоб дебосасида «Ватан нима ўзи?» — деб савол қўяди ва мазкур саволга баҳоли қудрат жавоб беришга интилади. Ўқувчилар мундарижасига назар ташлаб эканмиз, мақола ва очеркларнинг турли мавзуларига бағишланганлигини, бироқ уларни «Ватан — унинг жойини, турган ерини, қишлоғини, маҳалласини, қишлоғини қоқ иккинга бўлиб оқабган сойини, маҳалланга туташ қўча-қўйларини, саҳродаги ёлғиз қудуғини эмасми?! Табиатга муносабат Ватанга муносабатининг аини ўзи эмасми? Шундай анга, неғи табиатга — Ватанга бунчалик эгасизларга муносабатда бўла-миз?» — деган ягона жумбоқ билиштириб турганлигини тўғрисида бўламиз.

Маҳмуд Мардиев кизмат тақозоси билан Қўшмақум дашт-далаларини, Нурота қишлоқ ва овулларини, бу ерларда яшаётган ингоҳ ўт-қир мўсафакит чоллар ва қалби келажакнинг нитиҳосиз умидларига йўрилган ёшларнинг аини билиди. «Улар билан бу дунёнинг ишлари ҳақида бир кўмонгон чой устида тоғотар суҳбатлар» курган, Шунинг баробарида дарду ҳасратларига, қувонч ва ташвишларига шерик бўлган. Боеён дашт-далалар

нинг, улугвор тоғларнинг мадҳобати, бундаги тириклик унинг ҳаётини бир зум ўтиришга, кечмиш афсоналарига ва бугунини шафқатсиз воқеликларига юз буришга ундайди.

Китобда биргина Нурота районининг ўнлаб муаммолари жонқурлик билан сидқидил таҳлил қилинган. Одамларни, ўй-мушоҳадага чорловчи жонли тақдирлар изҳор этилган. Қадимий сув нишооти бўлмиш қоризлар, сўлим Сентобининг наботот оламига қилинаётган жоғи-лона хуружлар, табиатнинг бебаҳо аҳсони — булоқларнинг тобора камайиб кетаётганлиги ва чўпон-қўлқлар ҳаётидаги серташвиш кунлар муаллиф тилга олган муаммолар сирасига қиради. Мудҳи — у қанақанги масалани таҳлил қилмасин, қуруқ рақам ва далилларга берилмайди. Аввало одамларга қизади, инсон ва табиат муносабатларини биринчи ўринга қўяди. Жамикни номутаносибликлар ва бузилган ил-дизини ана шу муносабатлар замиридан ахтарди.

Маҳмуд Мардиев тоғ ва дашт одамларини, уларнинг табиатини яхши билиди. Айниқса, заҳматкаш чўпонлар ҳаёти журналистнинг севайли ақлоқ сезилиб турибди. Тоғди, Учқудуқ ва Қонимек каби Қизилқум бағрида жойлашган чорвадор минтақалар тўғрисида, бу ўлкаларда индустрия ва унинг марказдаги пешволарининг табиатга, яйловларга нисбатан тутайтган мустамлакача сибсатини кескин фож қилади. Яйловлар тобора камайиб бораётганлигини, боз устига Навоий қонметаллургия комбинатига қар

рашли ташкилотлар қўлдан аёвсиз ва ҳўжасизларча фойдаланаётганлигидан ташвиш чекади.

Китобнинг каттагина қисмида Навоий шаҳридаги иттифоққа муъте саноат корхоналари шаҳар ва унга туташ районлар экологисини мутасид заҳарлаётгани, бу эса табиатга ва одамлар соғлигига ўнлаб бўлмас эйб-заҳмат етказаяётганлиги ҳақида гап боради. «Мазкур корхоналар, — деб ёзди муаллиф, — планларини марказдаги министрилар «қўдан кечириб» беришади. Бундай «автономия»ни қўлга киритган мазкур корхоналарнинг раҳбарлари маҳаллий ҳокимият талабларини писанд қилишмайди. Аҳолининг ҳақли талаблари бюрократ корхона раҳбарларига лоақал чивин қақчақчиллик таъсир этмайди. Навоий шаҳрининг жанубий томонига назар солсангиз, омонига бурилиб-бурилиб чиқаётган аждаҳо қиёфасидида тутунга қўзғингиз тутайди».

Умуман олганда М. Мардиев ижодкор сифатида агрофимизда кечаётган ҳар бир воқеага, ҳар бир ўзгаришга фаол муносабатда бўлади. Ҳақиқат унинг уйғоқ қалби ва қалами билан ўқувчиларни ҳушёрликка, бедорликка чорлайди. Она-Ватанимизнинг муътабар тупроғини, бебаҳо табиатини, одамларнинг миздаги оқибат ва самимийликни, динён ва имон-эътиқодни асрашга, авайлашга даъват этади. Иқтидорли публицистнинг илк китоби ижодий имкониятларни кенглигини кўрсатиб турибди. Шундай экан, унинг қаламидан китобхонларнинг умиди катта.

Ж. САФОВЕВ.

ШАХМАТ

Ўртага Югославиянинг Но-ви-Сад шаҳрида Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси бошланади. Бу йирки мусобақада мамлакатимиз шарафини эр-нақлар ўртасида москвалик Е. Бареев, А. Юсупов, ливонлик А. Беляевский, В. Иванчук, минский Б. Гельфанд ва ленинградлик Л. Юдасин ҳимоя қиладилар.

Аёллар ўртасида эса тбилислик М. Чибурданидзе, Н. Гаприндашвили ва қозонлик А. Галлямова голиблик учун баҳс юритадилар.

ДЗЮДО

Варшавада студент спортчилар ўртасида ўтказилган халқаро мусобақа нихосияси этди. Унда иштирок этган мамлакатимиз вакиллари беш маротаба хурмат шоҳуспасининг юқори поғонасига қўтарилдилар. Каунаслик С. Юневич, С. Резниченко, ма-хаҷқалғалик Р. Гамзатов, ленинградлик Е. Абдулаев, москвалик А. Попов ўз вази-ларида голиб чиқдилар. Шунингдек, дзюдочиларимиз у-та қумуш ва тўртта бронза медалларининг соҳибони бўлдилар.

ВОЛЕЙБОЛ

Сеул олимпиадаси чемпи-онлари — СССР аёллар тер-ма командаси волейболчилари Токиода ўтказилаётган халқаро мусобақанинг финалига чиқдилар. Спортчиларимиз ярим финалда майдон эгалла-ри — Япония терма коман-дасини 3:0 ҳисобида мағлу-биятга учуратдилар. Энди улар ҳал қилувчи учрашувда Ко-рея Халқ Жумҳурияти волей-болчилари билан куч синаша-дилар.

БОКС

Оғир вазили совет боксчи-лари Американинг Цинцинна-ти шаҳрида ўртоқлик учрашув

МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ Н. ЕКУБОВ.

Муҳаррир вази-фасини ба-жарувчи Н. ЕКУБОВ.

ФУТБОЛ

Ўтган сешанба кўни мам-лакат соврини учун (1/8 фи-на-ли) йил учрашув ўт-казилди. Москвада пойтахт-нинг «Динамо» ва «Спар-так» командалари ўзаро куч синашдилар. Қизилқарли ўтган матчи дуранг натижа (1:1) би-лан тўтади.

ХОККЕЙ

Мамлакат биринчилигининг олий поғонасига ўтказилган иккинчи учрашув қуйдаги на-тижаларни берди: «Динамо» (Москва) «Автобобилист» (Минск) — 4:1, «Динамо» (Минск) — «Трактор» — 2:4.

Биринчилида 22 ўйиндан 35 очко тўплаган Москва ди-намочилари яқна карвонбо-шлик қилишляпти.

Амалдаги байналмилаллик ФАЙЗЛИ ОКШОМ

Отқудуқ яйловидида Бекмировлар хонадониде икки ёшининг висол кечаси бўлиб ўтди. Қуёв Бахром Бекми-ров — «Нишон» наслчилик заводи механизатори, келин Холбиҳон — қўшни Туркманистон жумҳуриятидаги «Тол-лимаржон» давлат ҳўжалигининг Сардоба қишлоғидан.

Туркманистон жумҳуриятидан биринчи марта ке-лин олиб келишимиз эмас, — деди икки ёшининг бах-тиқбол кечасини очган завод партия қўмитаси котиби Ади-жон Турсунов — Аркентий йигитларимиз аjoyиб онла қуриб, корхонамиз ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келишимизда. Бутун янги ҳаёт йўлига қадам қўяётган икки ёш дўстона жамоамизнинг ҳақиқий аъзоси бўлишга ишончим комил.

Саъятқорлар «Туркман қизга уйланама» каби ўз қўшиқ ва рақслари билан висол кечасига фавз киритди-лар. Келинин узатиб келган туркманистонлик лобар қиз-лар рақс(бошлангиларида кўллаб ўзбек йигитларининг қалби ларзага тушди.

— Мен икки ёшини висол оқшоми билан табриқлашдан бахтирман, — деди наслчилик заводи директори Мада-т Гелдиев. — Сизлар янги ҳаёт оstonасига қадам қўйдин-гиз, унинг манзили узоқ, машаққатли ва аини вақтда ма-роқли. Сизларни ана шу йўлда бир-бирларингизга елка-дош, мададкор ва нафодор бўлиб одим ташлашларингизга тилақдошман.

Сизлар тасодифан онла қўраётганлардан эмасиз, Ман-зингиз узоқ бўлса ҳам, қўнғилларингиз яқин, ҳаётда одон бир-бирларингизни синиб қўргансиз. Шаҳсан ўзим заводимизнинг аjoyиб онлаларидан бирига айланма, иш-лаб чиқаришимизда фаоллик кўрсатиб, халқимиз ҳўрмати ва эътиборига тушмишларингизга ишонман.

— Қишлоғимиздаги ҳар бир ёш мана шу дамларини ор-зу қилиши мунаррар, — деди Бахромнинг дўсти Мурод Гелдиев. — Сизлар янги ҳаёт оstonасига қадам қўйдин-гиз, унинг манзили узоқ, машаққатли ва аини вақтда ма-роқли. Сизларни ана шу йўлда бир-бирларингизга елка-дош, мададкор ва нафодор бўлиб одим ташлашларингизга тилақдошман.

Икки ёшининг висол оқшомига район маданият уйи-нинг «Нишона» ансамбли қатнашчилари мажро этган қў-шиқ ва дилрабо рақслар янада фавз киритди.

П. ЭРГАШЕВ.

«КИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» — «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»

Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана Выходит на узбекском и русском языках.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

33-54-33, 32-56-22. Совет қурилмиш бўлими — 32-56-34. Дахқончилик бўлими — 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилмиш бўлими — 32-54-44. Мадааният, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36, Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлими — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълоилар бўлими — 33-81-42.